

етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи): товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида туламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда “Таъминотчи” сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи” нинг ҳисоб – варақасида маҳсулот солинган кутилар (тара) ни кайтарилиши қайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида кайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлик озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда огоҳлантириш хати берадилар.

Огоҳлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Иқтисодий судида қўриб чиқилади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик бўлимида руйхатга олингандан сунг, қучга кириб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га ҳар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашъёларнинг буюртма рўйхатини тақдим этади, бунда товарнинг номи, миқдори курсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг тегишли газначилик бўлимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”

«Андижон Дори-Дармон»АЖ

711000, Андижон ш.

Огоҳий куча №1-уй

х/р 20210000800177073001

Миллий Банк Андижон вилоят

Булим АФО 00074

ИНН 200218892

ИФУТ 46460

Тел/факс: 83742 374133

А.Н.Ахмаджонов.

(имзо, муҳр ўрни)

“ХАРИДОР”



(имзо, муҳр ўрни)



Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Қодексининг ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзолаш мумкин.

«Андижон Дори-Дармон»АЖ

Ҳуқуқшуноси

